

Янги Ўзбекистонда эл азияз, инсон азияз

Туркиянинг конья шаҳрида ўтказилган бешинчи ислом бирдамлиги ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларига

Қадрли спортчи ва мураббийлар!
Муҳтарам юртдошлар!
Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тим-солингизда бутун халқимизни Туркия Республикасининг Конья шаҳрида ўтказилган бешинчи Ислам бирдамлиги ўйинларида муносиб иштирок этиб, юксак натижаларни қўлга киритганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод етаман.

Жонажон Ватанимизда миллий мустақил-лигимизнинг ўттиз бир йиллик шонли сана-сига бағишлаб катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётган ушбу шуқуҳли дамларда сизларнинг кескин курашларда кечган бешлашувларда эришган ютуқларингиз эл-юр-тимиз учун муносиб байрам совғаси бўлди.

Ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган мазкур нуфузли спорт анжуманида юртдош-ларимиз сизларнинг ҳар бир чиқишингизни оммавий ахборот воситалари ҳамда интер-нет орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди. Бутун Ўзбекистон сизларни қўллаб-қувватлаб, Яратгандан омад ва за-фарлар тилади.

Дунёнинг 56 та давлатидан 4200 нафар спортчи иштирок этган ушбу мусобақаларда миллий терма жамоамиз аъзолари улкан ма-ҳорат, ғайрат ва матонатини, ғалабага бўлган юксак иштирок ва иродасини намён этиб, 51 та олтин, 42 та кумуш ва 65 та бронза медалини қўлга киритганлари ҳар қандай таҳ-синга сазовордир.

Айниқса, Ўзбекистон вакиллари Эрон, Озарбайжон, Индонезия, Саудия Арабистон-ни, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирлик-лари, Қатар, Кувайт каби спорт соҳасида ривожланган давлатларни ортда қолдириб, умумжамоа ҳисобида Туркия Республикаси-дан кейин фахрли иккинчи ўринни эгалла-ганлари мамлакатимиз спортда яна бир ёрқин саҳифа бўлди.

Ўзбек спортининг ифтихори бўлган Руслан Нуриддинов, Акбар Жўраев, Сарварбек Зафаржонов, Турсуной Жабборов ва оғир атлетика, Ольга Забелинса велоспорт мусобақаларида утқадан олтин медални қўлга киритгани спорт тарихида камдан-кам учрайдиган ноб ҳодисадир.

Бўлиб ўтган қизгин бешлашувларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Улғубек Рашидов, Абдуҳамид Эргашев, Сафина Садуллаева, Дияра Келдиёрова, Шарифа Давронова ва бошқа спортчиларимизнинг истеъдоди, маҳорати ва қобилиятига барча

спорт мухлислари яна бир бор тан берди.

Ушбу мусобақаларда Ўзбекистон паралим-пиячилари ҳам юксак жасорат ва матонат намуналарини кўрсатганларини алоҳида таъ-кидлаш лозим. Айниқса, Азизбек Бойназаров, Омадбек Ҳасанов, Султонбек Нуриддинов, Бахтиёр Ортиқов, Расул Атамуратов каби спортчиларимиз ҳақиқий фидойилик фазилат-ларини намён этиб, миллий жамоамизнинг муваффақиятига муносиб ҳисса қўшдилар.

Азму шижоатли ўғил-қизларимиз оғир ат-летика, дзюдо бўйича тенгсиз, қиличбозлик, таэквондо, спорт курашлари, сузиш мусоба-қаларида эса етакчилар сафида эканларини амалда исботладилар.

Қадимий Конья заминида эришилган бун-дай ютуқлар биз учун улкан аҳамиятга эга бўлиб, сизлар шу тариқа миллий спорт ма-табимизнинг шон-шухратини, Ўзбекистон ёшларининг қандай буюк ишларга қодир экан-ини жаҳонга намён етдингиз.

Ҳеч шубҳасиз, сизларнинг Ислам бир-дамлиги ўйинларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб, юксак шохсупаларни забт этганингиз мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ислохотларимизнинг яна бир амалий нати-жаси сифатида кўп миллатли халқимизни беҳад қувонтиради, барчамизга гурур ва иф-тихор бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар каби юр-тимизга меҳр ва садоқат билан яшайдиган, ватанларвар ва салоҳиятли ёшларни тарбиялаб вояга етказгани учун ота-онала-рингизга, ёнингизда туриб, эришилган ютуқ-ларни таъминлашга муносиб ҳисса қўшган заҳматқаш устоз ва мураббийларингизга ўз номидан, халқимиз номидан чин дилдан ташаккур изҳор етаман.

Йирик халқаро спорт бешлашуви — Ислам бирдамлиги ўйинларида қўлга кирит-ган тарихий натижаларингиз билан сизлар-ни яна бир бор самимий қўллаб, барчангиз-га сиват-саломатлик, келгуси фаолиятингизда янги-янги зафарлар, оилаларингизга бахту саодат, файз-баракат тилайман.

Доимо бахтингиз, омадингизни берсин, азиз фарзандларим!



Спортчиларимиз муносиб кутиб олинди

Жорий йилнинг 9 — 18 август кунлари Туркиянинг Конья шаҳрида бўлиб ўтган V Ислам бирдамлик ўйинларида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари юртимизга қайтиб келишди. Спортчилар ва уларнинг мураббийларидан иборат делегация Тошкент халқаро аэропортида тантанали тарзда кутиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати раҳбари Шерзод Асадов давлатий раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ислам бирдамлиги ўйинлари-да иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси аъзо-ларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республика-си Бош вазири Абдулла

Арипов делегация аъзолари-ни қадимий Коньяда эриш-ган ютуқлари билан қутла-ди. Ислам бирдамлик ўйин-лари умидли ёш спортчилар-имиз учун муваффақиятли кечанлиги, ҳамюртларимиз медаллар йиғиш борасида жаҳоннинг қучли мамлакат-ларини ортда қолдириб кет-ганлигини, мамлакатимиз довуғини бутун дунёга

ёйганликларини, бунда Президентимиз бошчилиги-да спортни ривожлантириш-га бўлган эътибор, ёшларга кўрсатилаётган гамхўрлик алоҳида эканлигини таъкид-лади. Дарҳақиқат, 24 та спорт тури бўйича 265 на-фар спортчимизнинг 158 ме-дални қўлга киритгани улкан ютук ҳисобланади.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

«Фаол тадбиркор» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида

Мамлакатимизда тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш ва инновациялар жорий қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган бизнес вакиллари рағбатлантириш, шунингдек, **2021 йил 20 август кuni** Ўзбекистон Республика-си Президентининг тадбиркорлар билан ўтказилган **очик мулоқоти** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **“Фаол тадбиркор” кўкрак нишони** таъсис этилсин.
2. Белгилансинки: “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан мамла-катимизда тадбиркорлиқни ривожлантириш, иш ўринла-рини яратиш, инновациялар жорий қилиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш, махсулот ва хизматларни экспорт қилиш, етук мутахассислар тайёрлаш ҳамда бизнес-даги муваффақиятлари ва ижтимоий фаоллиги билан барчага **намуна бўлаётган тадбиркорлар тақ-дирланади**;
3. “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони ҳар йили **20 ав-густ — Тадбиркорлар кuni** арафасида Ўзбеки-стон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонун-чилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республика-си Президенти Администрацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимла-ри, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан **тантанали вазиятда топширилади**;- 4. “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирлан-ган шахслар ҳақида ҳар йили **“Йилнинг илгор тад-биркорлари”** китоби чоп этиб борилади.
- 5. Куйидагилар: “**Фаол тадбиркор” кўкрак нишони тўғриси-даги низом** 1-иловага мувофиқ; “**Фаол тадбиркор” кўкрак нишонининг тав-сифи** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 6. Вазирлар Маҳкамаси Савдо-саноат палатаси би-лан биргаликда: “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонлари ва уларнинг гувоҳномалари белгиланган тартибда тайёрланишини; “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирлан-ган шахслар ҳақида ҳар йили “Йилнинг илгор тадбир-корлари” китоби чоп этиб борилишини таъминласин.

5. Молия вазирлиги ҳар йили “Фаол тадбиркор” кўкрак нишонини бериш, уни тайёрлаш ҳамда “Йил-нинг илгор тадбиркорлари” китобини чоп этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар учун Савдо-саноат палатаси-нинг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ Ўзбекис-тон Республикасининг республика бюджетидан тегиш-ли маблағларни ажратиш чораларини кўрсин.

6. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирлашга бағиш-ланган тадбирларни оммавий ахборот воситалари, ин-тернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш ишла-рини ташкил қилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрат-цияси раҳбари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 19 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 августдаги ПҚ–356-сон қарорига 1-илова

«Фаол тадбиркор» кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони (кейинги ўринларда — кўкрак нишони) билан тақдир-лаш тартибини белгилайди.
2. Кўкрак нишони билан мамлакатимизда тадбир-корлиқни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш, ин-новациялар жорий қилиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш, махсулот ва хизматларни экспорт қилиш, етук мута-хассислар тайёрлаш ҳамда бизнесдаги муваффақият-лари ва ижтимоий фаоллиги билан барчага намуна бўлаётган тадбиркорлар тақдирланади.
3. Кўкрак нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.
4. **2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш**
5. Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқарма-лари маҳаллий иқроо этувчи ҳокимият органлари билан келишилган ҳолда, кўкрак нишони билан тақдирлаш учун номзодлар бўйича тақдирларни ҳар йили 10 июл-га қадар Савдо-саноат палатасига (кейинги ўринларда — Палата) тақдим етади.
6. Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича тақдирла-рга номзод ҳақида қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: номзоднинг маълумотномаси (объективка);

номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (фуқаролик паспорти ёки ID-карта); номзоднинг сўнгги уч йил давомида тадбиркорлик-ни ривожлантириш борасидаги фаолияти акс эттирил-ган тавсифнома.

5. Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид тақлиф-ларни кўриб чиқиш учун Палата раиси томонидан 7 кишидан иборат таркибда комиссия (кейинги ўрин-ларда — Комиссия) ташкил этилади.
6. Комиссия таркиби ва Комиссия тўғрисидаги ни-зом Палата раиси томонидан тасдиқланади.
7. Кўкрак нишонига номзодларни кўриб чиқиш на-тижалари ҳар йили 25 июлга қадар Комиссия баён-номаси билан расмийлаштирилади.
8. Номзодларнинг рўйхати, улар томонидан амалга оширилган ишларнинг қисқача тавсифи Комиссия баённомасининг тегишли иловаси билан тасдиқлана-ди ва унинг асосида тақдимнома тайёрланади.
9. Тақдимнома Палата раиси имзоси билан ҳар йили 1 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссияга қиритилади.
- 3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби
10. Кўкрак нишони билан тақдирлаш Ўзбекистон

Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

11. Кўкрак нишони ҳар йили 20 август — Тадбир-корлар кuni арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республика-си Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Президенти Адми-нистрацияси раҳбари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирлик, идора ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар хокимлари, шунингдек, бунга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топширилади.
12. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.
13. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чоп томонига тақилади.
- 4-боб. Якуновчи қоидалар
14. Палата ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишони-га тавсия этилган номзодлар ҳужжатларининг холис кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.
15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 августдаги ПҚ–356-сон қарорига 2-илова

«Фаол тадбиркор» кўкрак нишонининг ТАВСИФИ

“Фаол тадбиркор” кўкрак нишони диаметри 34 милли-метрли доира шаклида бўлиб, 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг ўрта қисми диаметри 25 милли-метр бўлган доира шаклидаги бўртма гардиш билан ўралган. Доиранинг марказида белги-тамғалар тас-вирланган бўлиб, бундай тамғалар қадимий уста-хунар-манд тадбиркорлар томонидан ясалган ва сотувга чи-қарилган ҳамда Ўзбекистон ҳудудида топилган махсу-лотлар намуналарида акс этган. Улар азалдан юрти-миз ҳудудида яшаб келган тадбиркорларнинг рамзла-ри бўлиб келган.

Марказдаги белги-тамғалар атрофида уларни ушлаб турган тадбиркор кўллари билан ифодаловчи тасвирлар тилпа рангда акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг устки қисмида айлана бўйлаб

“FAOL TADBIRKOR” ёзуви битилган. Ҳарфларнинг ба-ландлиги — 2,2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг пасти қисмида айлана бўйлаб 5 қиррали 14 юлдуз акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Рес-публикаси Давлат герби тасвирланган.

Тасвирлар ва ёзувлар бўртмадир.

Кўкрак нишони илмоқ ва халқа ёрдамида тўғри түртбурчак шаклидаги қадагичга уланган. Қадагич бўйи — 19 миллиметр, эни — 25 миллиметр.

Қадагич тенг ўлчамли кук ва оч кук рангдаги шойи лента билан қопланган бўлиб, унинг эни 21 милли-метрни ташкил етади.

Қадагичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўгноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Й И Ш И

«Фаол тадбиркор» кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида

Иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишини таъ-минлаш, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлиқни ривожлантириш, экспорт са-лоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, ин-новацияларни жорий этиш, солиқларни ўз вақтида тўлаш, етук мутахассисларни тайёрлашда алоҳида иб-рат кўрсатаётган, шунингдек, бизнесдаги муваффақ-иятлари ҳамда ижтимоий фаоллиги билан барчага на-муна бўлаётган қуйидаги тадбиркорлар “Фаол тадбир-кор” кўкрак нишони билан тақдирлансин:

Бахбергенов Болатбек Уринбарович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “Arz universal servis” МЧЖ раҳбари

Бекжанова Амина Каримбаевна — Қорақалпо-ғистон Республикасидаги “Munak tour” МЧЖ раҳбари

Исақбаев Икром Махмудович — Қорақалпо-ғистон Республикасидаги “Golden pride Khudjei” МЧЖ раҳбари

Кучкаров Кодамбой Собирович — Қорақалпо-ғистон Республикасидаги “Ustyurt sodium sulfate” МЧЖ раҳбари

Панаяв Бахтияр Бердимуратович — Қорақалпо-ғистон Республикасидаги “Uy-Jay Quilis” МЧЖ раҳбари

Шакиров Жамшид Абдугаппарович — Қорақалпоғистон Республикасидаги “Kanteks invest” МЧЖ таъсисчиси

Абдувосипов Муслимбек Улуғбек ўғли — Андижон вилоятидаги “Oliy standart tex” МЧЖ раҳбари

Абдуллаев Хамдамбек Абдувойид ўғли — Андижон вилоятидаги “Asaka tekstil” МЧЖ раҳбари

Қодиров Ботиржон Мухаммадқодир ўғли — Андижон вилоятидаги “Sayyora favorasi” МЧЖ раҳбари

Тўлкинов Бахтиёржон Акмалжон ўғли — Андижон вилоятидаги “Nil-granit” МЧЖ раҳбари

Шахабаев Азизбек Дилмурод ўғли — Андижон вилоятидаги “Skorton tekstil” МЧЖ раҳбари

Шодмоналиева Мухайё Баходировна — Андижон вилоятидаги “Liderlar maktabi” МЧЖ раҳбари

Абдуллаев Сайдулла Файзуллаевич — Бухоро вилоятидаги “Vobkent tola klaster” МЧЖ раҳбари

Бобононов Дилшод Махмудович — Бухоро ви-лоятидаги “Buxoro zarhal teks” МЧЖ раҳбари

Журабаев Омажон Маматкасимович — Бухоро вилоятидаги “WBM Romitex” МЧЖ раҳбари

Жўраева Нозигул Буруновна — Бухоро вило-ятидаги “Oqqosh-bo'ron” фермер ҳўжалиги бошлиғи

Рашидов Насриддин Муродович — Бухоро вилоятидаги “Aholitrans” МЧЖ раҳбари

Хамроев Бешиш Курбонovich — Бухоро вило-ятидаги “Buxara varnet” МЧЖ раҳбари

Алиқулов Фаррух Раҳмон ўғли — Жиззах ви-лоятидаги “Newland” МЧЖ раҳбари

Маматкулова Хосият Юсуповна — Жиззах ви-лоятидаги “Ostex Jizzakh” МЧЖ раҳбари

Маматкулов Бекзод Акмалович — Жиззах ви-лоятидаги “BMB trade group” МЧЖ таъсисчиси

Набижанов Фозилхон Амиханович — Жиззах вилоятидаги “Master biding products” МЧЖ раҳбари

Турсунов Сардоржон Юсуф ўғли — Жиззах вилоятидаги “Basalt and composite group” МЧЖ раҳбари

Яо Бингжун — Жиззах вилоятидаги “Huaxin cement Jizzakh” хорижий корхонаси раҳбари

Алламурадов Ибодулло Холмунинович — Қашқадарё вилоятидаги “Qamashi tekstil” МЧЖ раҳбари

Асланова Рухсона Олим кизи — Қашқадарё вилоятидаги “Dil Arx” МЧЖ раҳбари

Каримов Нурбек Каримович — Қашқадарё ви-лоятидаги “Sunny land export” МЧЖ раҳбари

Саломова Наргиза Турдимуродовна — Қашқадарё вилоятидаги “Sitara imkon plus” МЧЖ раҳбари

Туранов Абдурауф Ашурович — Қашқадарё вилоятидаги “Dormers Co Ltd” МЧЖ раҳбари

Шарахмедов Шокарим Шарасулович — Қашқадарё вилоятидаги “Shahrisabz textile” МЧЖ раҳбари

Джумаев Шерзод Шониязович — Навоий ви-лоятидаги “Navbahrone tekstil” МЧЖ раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ «ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Менги Сефа — Навоий вилоятидаги “Mengi tekstil group” МЧК раҳбари
Намазов Шамсиддин Курбанович — Навоий вилоятидаги “Navoiy milling” МЧК раҳбари
Саломова Зилола Рустамовна — Навоий вилоятидаги “Favorit lyuks servis” МЧК раҳбари
Ўразов Умиджон Абдижамилович — Навоий вилоятидаги “Karmana asl don” МЧЖ раҳбари
Холиков Журабек Истамович — Навоий вилоятидаги “Tinchlik investmend group” уюшмаси раҳбари
Абдуллаев Кудрат Косимжонович — Наманган вилоятидаги “Namangan-Istiqol bog'i” МЧЖ раҳбари
Абдулхаев Анвар Абдумаликович — Наманган вилоятидаги “Barkas-tekst” МЧЖ раҳбари
Абдураимов Жохонгир Эркинжон ўғли — Наманган вилоятидаги “Fujoze teks” МЧЖ раҳбари
Акбаров Носир Юнусханович — Наманган вилоятидаги “Namangan to'qimachi” МЧЖ раҳбари
Гюмюш Махфуза Маликжоновна — Наманган вилоятидаги “Runatext” МЧЖ раҳбари
Тожимирзаева Гулбахор Баходир кизи — Наманган вилоятидаги “Tai Chang special steel” МЧЖ бошқарувчиси
Болтаев Одилжон Олимжонович — Самарқанд вилоятидаги “Azia metall prof” МЧЖ раҳбари
Кучкарова Гулбека Алламуратовна — Самарқанд вилоятидаги “Beka Charos” хусусий корхонаси раҳбари
Ниязова Марям Кадировна — Самарқанд вилоятидаги “Kumush tola” хусусий корхонаси раҳбари
Омонова Нилуфар Журабек кизи — Самарқанд вилоятидаги “Grand capital developments” МЧЖ раҳбари
Ураков Хайдар Мухамдиевич — Самарқанд вилоятидаги “Navobod naslli parranda” фермер ҳўжалиги бошлиғи
Навмадов Шухрат Содикович — Самарқанд вилоятидаги “Sam Rafoat tekstil” МЧЖ раҳбари

Шарипов Шавкат Уктамович — Самарқанд вилоятидаги “Sharq sanoat” концерни раҳбари
Дарбишев Жавлонбек Абдухаликович — Сирдарё вилоятидаги “Guliston gold yam” МЧЖ раҳбари
Комилов Шукуруллохон Вохидович — Сирдарё вилоятидаги “Boyovut techno cluster” МЧЖ раҳбари
Норматов Мухиддин Эркинович — Сирдарё вилоятидаги “Sirdaryo mega luks” МЧЖ раҳбари
Носир Сайид Захириддин Самидин ўғли — Сирдарё вилоятидаги “Elegant fiber textile” МЧЖ раҳбари
Обидова Ҳилола Илхомжон кизи — Сирдарё вилоятидаги “Beton sanoat” МЧЖ раҳбари
Сайдазимов Дилшод Рабимович — Сирдарё вилоятидаги “Shoxrux Demirbek” МЧЖ раҳбари
Шафик Алеми — Сирдарё вилоятидаги “Yangiyer flour trading” МЧЖ раҳбари
Азизова Мафтуна Рахматулло кизи — Сурхондарё вилоятидаги “Asilaxon terma gilamlari” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари
Маликов Шавкат Ибодуллаевич — Сурхондарё вилоятидаги “Black plast” хусусий корхонаси раҳбари
Панжиев Хасан Хушбакович — Сурхондарё вилоятидаги “Alpromish servis invest” хусусий корхонаси раҳбари
Пардаев Жамшид Музаффарович — Сурхондарё вилоятидаги “Termiz golden city” МЧЖ раҳбари
Худайров Анвар Турдимуратович — Сурхондарё вилоятидаги “Do'stlik cooperation” МЧЖ раҳбари
Шарафутдинова Ойдин Химайтдиновна — Сурхондарё вилоятидаги “Asson-Termiz” хусусий корхонаси раҳбари
Шаякубов Зиёдулла Нуриллаевич — Сурхондарё вилоятидаги “Passion work” МЧЖ раҳбари
Алимов Азиз Тоирджанович — Тошкент вилоятидаги “Yuqorichirchi energy system” МЧЖ раҳбари
Ахмеджанова Дилбар Шарифжановна — Тошкент вилоятидаги “Agro city” МЧЖ раҳбари
Вахидов Исломбек Нуруллаевич — Тошкент вилоятидаги “Li da metal technology” МЧЖ раҳбари

Рахманова Умида Адиловна — Тошкент вилоятидаги “Miss lighting” МЧК раҳбари
Текенов Канат Тунгатарович — Тошкент вилоятидаги “Enter steel” МЧЖ раҳбари
Тухтаиязов Ботиржон Мухтарович — Тошкент вилоятидаги “To'xtaniyoz-ota” фермер ҳўжалиги бошлиғи
Эргашева Сайёра Ташпулатовна — Тошкент вилоятидаги “Tashpulat stroy invest” МЧЖ раҳбари
Аъзамов Хумоюн Азизжон ўғли — Фарғона вилоятидаги “Bolajon orzusi” МЧЖ раҳбари
Булатов Фарход Гайратович — Фарғона вилоятидаги “Musavartex” МЧЖ раҳбари
Вохидов Икромжон Абдумажидович — Фарғона вилоятидаги “BS textile Fargona” МЧЖ раҳбари
Ганиева Шахноза Маъмировна — Фарғона вилоятидаги “Farg'ona ibratli begin” МЧЖ раҳбари
Илясов Фахриддин Фаёзович — Фарғона вилоятидаги “Ilyasov” МЧЖ раҳбари
Меликўзиев Хуршиджон Абдилмаликович — Фарғона вилоятидаги “Lux yan tex” МЧЖ раҳбари
Мирзаева Садокат Алишеровна — Фарғона вилоятидаги “Art house sadosh” МЧЖ раҳбари
Парпиев Махмуджон Мураджанович — Фарғона вилоятидаги “Hawo group” МЧЖ раҳбари
Акмурастов Эркинбой Юлдашевич — Хоразм вилоятидаги “Yangi Bozor textile agro cluster” МЧЖ раҳбари
Аминов Давлатбой Хажиевич — Хоразм вилоятидаги “Red star oxus” МЧЖ раҳбари
Зиқиров Оббосбек Шавкатбек ўғли — Хоразм вилоятидаги “Xorazm shisha idishlari” МЧЖ раҳбари
Машарипова Манзура Каримовна — Хоразм вилоятидаги “Gurlan eksport” МЧЖ раҳбари
Османов Элдор Абдулкаювич — Хоразм вилоятидаги “Gurlan global teks” МЧЖ раҳбари
Юлдошев Усмонбек Умарбек ўғли — Хоразм вилоятидаги “Glass Pro” МЧЖ раҳбари

Абдуллаев Рахматжон Ахмадович — Тошкент шахридаги “Almerro group” МЧЖ раҳбари
Акбаров Нодир Иркинович — Тошкент шахридаги “Aluminum Systems” МЧЖ раҳбари
Акрамова Мухлисахон Мансуровна — Тошкент шахридаги “O'zimzniki” МЧЖ раҳбари
Ахадов Сарвар Саиджахонович — Тошкент шахридаги “Texnopark” МЧЖ раҳбари
Гуламов Комрон Абдузахид ўғли — Тошкент шахридаги “Akfa engineering and managemant” МЧЖ раҳбари
Дениз Махир — Тошкент шахридаги “Zelal textile” МЧЖ раҳбари
Насридинова Шохида Тауфиковна — Тошкент шахридаги “Milk foods trade” МЧЖ раҳбари
Неъматов Миразиз Мирали ўғли — Тошкент шахридаги “Tanlanganlar” МЧЖ раҳбари
Рашидов Меҳрох Хуршед ўғли — Тошкент шахридаги “Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази” ННТ раҳбари
Руземухамедов Нурулла Суннатullaевич — Тошкент шахридаги “N'medov” компаниялар гуруҳи асосчиси
Умирзаков Шахзод Бахтиёр ўғли — Тошкент шахридаги “Tassvision” МЧЖ раҳбари
Ходжиматов Бахтияр Вахидович — Тошкент шахридаги “Comida food” оилавий корхонаси раҳбари
Хафизов Лутфулла Джаруллаевич — Тошкент шахридаги “Rangli bo'yog'” МЧЖ раҳбари
Хашимов Фуркат Шавкатович — Тошкент шахридаги “New life medical” МЧЖ раҳбари
Шокиров Фарход Мансур ўғли — Тошкент шахридаги “Qurilish industriya xajmli uy-joy” МЧЖ раҳбари
Эргашев Акмал Илхомжон ўғли — Тошкент шахридаги “Mega logistics service” МЧЖ раҳбари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шахри, 2022 йил 19 август

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ИШОНЧЛИ, МУҲИМ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ СИФАТИДА ХАЛҚАРО МАЙДОНДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Хорижий мамлакатлар экспертлари ва оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг Саудия Арабистонида давлат таширифи якунларини шарҳламакда.

Дунё нигоҳи

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонида давлат таширифи хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилгани баробарида, халқаро экспертлар ҳамжамияти вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди.
Жумладан, Американинг **“EIN Presswire”** интернет янгилликлар хизмати Ўзбекистон раҳбарини Саудия Арабистонидида Макка провинцияси раҳбарлари, инвестициялар вазири Халид ал-Фалих ва бошқа расмий шахслар кутиб олганини хабар қилган.
“Жидда шахридаги “Қаср Ал-Салом” саройида Ўзбекистон Президенти ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Баляхд шахзодаси Мухаммад бин Салмон Ол Сауд ўртасида музокаралар ўтказилиб, томонлар турли даражадаги алоқаларни фаоллаштириш масалаларини муҳокама қилди-лар”, дейилади янгилликлар хизмати манбасида.
Бундан ташқари, мазкур учрашув икки мамлакатнинг умумий фирм ва ингиллишларини намойиш этганига алоҳида урғу берилган. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва Саудия Арабистонидида амалга оширилаётган “Нигоҳ — 2030” давлат дастурининг мақсад ва вазифалари ҳамоханглиги таъкидланган. Икки мамлакат рақамли ва “яшил иқтисодиёт” тамойилларини ҳаётга таъбиқ этишга катта эътибор қаратмоқда.
Ишбилармонларнинг алоқалари учун янада қулай шароитлар яратиш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, унинг тизимини диверсификация қилиш зарурлиги қайд этилгани ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. “Тарихий учрашув икки давлат ўртасидаги ҳамкорлиқни бойитиш ва ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлаш

учун кучли омил бўлиб хизмат қилади”, деб ёзади “EIN Presswire” журналисти.
Шунингдек, мақолада Ўзбекистон — Саудия Арабистони Ишбилармонлар кенга-шининг навбатдаги йигилиши муваффақият-ли ўтказилгани, унинг якунлари бўйича энергетика, кимё, электротехника, инфра-тузилмани ривожлантириш, қишлоқ ҳўжа-лиги, фармацевтика, ахборот технология-лари, транспорт соҳаларида 14 миллиард доллардан ортиқ шартнома ва битимлар имзолангани қайд этилган.
Ўзбекистон Президенти Саудия Арабис-тонининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидида мулоқот бўйича шерик мақомини олаётга-нини олишлагани хабар қилинган.
Музокаралар якунида энергетика, бож-хона, фуқаро авиацияси, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, меҳнат муно-сабатлари ва бошқа соҳаларда ҳужжатлар имзолангани маълум қилинган.
Уз навбатидида, **Энергетика иқти-содиёти ва молиявий таҳлил институтининг** (Детройт, Огайо штати) интернет тармоғидидаги веб-саҳифасида чоп этилган мақолада Ўзбекистон Энер-

гетика вазирилиги, Саудия Арабистони Энергетика вазирилиги ва Саудия ком-паниялари ўртасида 12 миллиард дол-ларлик битимлар имзолангани ҳақидаги маълумотлар қаламга олинган.
Унда эришилган келишувлар икки мам-лакат ўртасидаги ёқилиг-энергетика маж-муасидидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш платформасига айланиши таъкидланган.
“Шартномалардан бири Саудиянинг “ACWA Power” компанияси томонидан Қоралқолпоғистонда 1,5 ГВт қувватли шамол электр станциясини қуришни на-зарда тутди. Бошқа бир келишув ҳамда “ACWA Power” ва “Air Products” компа-ниялари билан биргаликда илмий тадқи-қот лойиҳаларини ривожлантириш орқали Ўзбекистонда “яшил водород”ни ишлаб чиқаришга қаратилган”, дейилади инсти-тут сайтида.
Бундан ташқари, Саудия Арабистони то-монининг ақин 5 йил ичида Ўзбекистон энергетика мажмуасига 10 миллиард дол-лар сармоя киритиш ниятини акс эттирган ҳужжат имзолангани ҳам ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилинган.



Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий, Ҳаким Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдухалиқ Гиждувоний сингари ислом оламининг ўнлаб буюк олим, мутафаккир ва мута-саввиқлари қадамжоларини зиёрат қилиш ва халқаро илмий марказларга ташириф буюриш имкониятига эга бўлди. Улар қолдирган тенгсиз маънавий мерос ва зиёратгоҳлари асраб-авай-лаш, олоб қилиш ва кела-жак авлодга етказиш йўли-да Ўзбекистон Президенти бошчилигида амалга оши-рилаётган улкан ижобий ишларнинг бевосита гувоҳи бўлдим.

Янги ташкил қилинган Ўзбекистондаги Ислом цивили-зацияси ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот мар-казлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом билим юртлари истисносиз мамлакат раҳбарияти ва са-лоҳияти халқингизнинг ушбу буюк мерос аҳамиятини те-ран англаб етгани ҳолда ушбу аждодларнинг авлодлари сифатида барча соҳада бунёдкорлик ишлари билан юртни обод қилиб, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром қўрса-таётганидан ёрқин далолат беради.

Мамлакатингизда турли жаҳонларда олиб борилаётган ислохотлар ва туб ўзгаришларни мунтазам кузатиб бора-ман. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабисто-нига амалга оширган давлат таширифи тафсилотларини кузатиб турдим.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар ишончли, муҳим ва узоқ му-ддатли ҳамкорлик намунаси сифатида халқаро майдонда ҳақли равишда эътироф этилмоқда.
Маълумотларга қўра, Ўзбекистон ва Саудия Арабисто-ни халқаро ва минтақавий ташкилотларда бир-бирини фаол қўллаб-қувватламакда. Хусусан, Саудия Арабистони Марказий Осиёда ядро қуриолдан холи худуд тўғрисидаги резолюцияни, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича резолюцияси қабул қилинишини қўллаб-қувватлади. 2019 йилда Подшоҳлик БМТнинг “Маъ-рифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси ҳаммуаллифи бўлди, 2020 йилда Ўзбекистоннинг БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига сайланиши учун овоз берди, шунингдек, мам-лакатнинг бошқа муҳим ташаббусларининг илгари сури-лишига ўз хиссасини қўшди.

Хусусан, мени шахсан қувонтирган хабар — 2021 йилда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Подшоҳ Файсал номидаги Ислом тадқиқотлари маркази ўртасида Ўзаро Англашув меморандуми имзолангани бўлди. Ишончим комилки, айни пайтда ушбу ҳужжат икки марказ ўртасида таъриба алмашши, ўзаро алоқалар, қўлёзма-лари ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб боришга муҳим асос бўлмоқда.
Ўйлайманки, мазкур давлат таширифи чоғида имзолан-ган сармоиявий лойиҳалар, иқтисодий битимлар ва бошқа келишувлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг яна-да мустаҳкамланишига, ҳамкорлик муносабатини янада юксак даражага қўтаришга хизмат қилажақ.

«Дунё» АА.

Далия АЛТУНТЕПЕ, Ўзбекистон — Нидерландия Дўстлик жамғармаси раиси:

—Ўзбекистон Президенти-нинг Саудия Арабистонида давлат таширифи ҳақиқатан ҳам, тарихий воқеа бўлди. Эришилган иқтисодий кели-шувлар ўнлаб миллиард дол-ларини ташкил этди, бу та-ширдининг иқтисодий кун тар-тиби чуқур ўрганилгани ва пухта ҳозирлик қўрилганидан далолат беради.
Рақамларни ҳисоблаш ва савдо-иқтисодий ҳамда сар-моиявий алоқаларни кенгайти-риш истиқболларини таҳлил қилиш иқтисодчилар маса-ласи. Мен Ўзбекистон — Са-удия ҳамкорлигининг сиёсий, маданий ва гуманитар жиҳатларига эътибор қаратишни истар эдим.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбеки-стон сўнгги йилларда барча асосий шериклар билан ўзаро алоқаларни изчил мустаҳкамлаб бормоқда. Шунинг учун Ар-Риёд билан “кўприklar ўрнатилгани” аллақачон пишиб етилган табиий жараёндир. Айтиш мумкинки, шу тариқа Тошкент қайсидир даражада йўқотилган вақт ва имкони-ятларни ўз ўрнига қўйди.

Шу билан бирга, Тошкент ва Ар-Риёд ўз минтақалари-нинг нафақат иқтисодий, балки маданий ва маънавий етак-чилари бўлиб, Маккада ҳаж зиёратини, Ўзбекистонда эса кимч ҳаж зиёратини баҳаришни орзу қиладиган миллиар-длаб мусулмонларни ўзига жалб этиб турувчи марказлар — ислом динининг энг буюк илоҳиётчилари Ватани ҳисоб-ланади. Ўйлайманки, айнан шу жиҳатларнинг ўзидек ушбу мамлакатлар ўртасидаги алоқалар тарихан қанчалик мус-таҳкамлигини ва ўзаро маңфаатли ҳамкорлиқни ривож-лантириш истиқболлари қанчалик кенг очилганини таъкид-лайди.

Айтиш мумкинки, Президент Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонида ташириф буюргани ҳолда нафақат Ар-Риёд билан муносабатларда, балки ўз давлати тарихида ҳам жуда муҳим саҳифани очди.

Гўзал МАИТДИНОВА, Геосиёсий тадқиқотлар маркази директори, Россия — Тохикистон (Славян) университети профессори, тарих фанлари доктори (Тохикистон):
—Ўзбекистон Президенти-нинг Саудия Арабистонида давлат таширифи дастури Мадина шахрида Масжидун Набавийни зиёрат қилиш би-лан бошланди. Жидда шах-рида Президент Шавкат Мирзиёев ва Саудия Ара-бистони Баляхд шахзодаси Мухаммад бин Салмон Ол Сауд музокаралари бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти Саудияда “Нигоҳ — 2030” давлат дастури



ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИ УЧРАШУВИ

Тошкентда 18-19 август кунлари Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг 17-учрашуви бўлиб ўтди.

Анжуманда ШХТга аъзо ва қузатув-чи мамлакатлар, шунингдек, ташкилот котибияти ва Шанхай ҳамкорлик таш-килоти Минтақавий аксиптеррор тузил-маси вакиллари иштирок этди.
Тадбир аввалида Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Махмудов давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг учрашув катнашчилари-га табригини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг ШХТ худудида хавф-сизликка нисбатан замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга биргаликда қарши туришга қаратилган ҳамкорликдаги амал-ий фаолият юзасидан атрофича фикр алмашилди.

Терроризм ва экстремизмга, гиёҳ-ванд моддалар ва қурол-яроғ ноқону-ний айланмасига ҳамда замонавий ах-борот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширила-диган жиноятларга қарши биргаликда кураш олиб бориш юзасидан белги-ланган вазифалар доимо диққат мар-казида экани алоҳида таъкидланди.
Самарқанд шахрида жорий йил сен-тябрь ойида бўлиб ўтадиган ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари саммитига тайёргарлик билан боғлиқ айрим жи-ҳатлар алоҳида қўриб чиқилди.

Мулоқот якуни бўйича Учрашув протоколи имзоланди ва барча кели-шувлар акс этган ахборотнома қабул қилинди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон ва бир

қатор давлатлар делегациялари ўрта-сида учрашувлар ўтказилди.

Мулоқотлар давомида минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ кенг қўламли масалалар юзасидан фикр алмашилди, муайян соҳалар бўйича ҳамкорлиқнинг жорий ҳолати ва истиқболига оид қатор жиҳатлар қўриб чиқилди.

Анжуман иштирокчилари ушбу нуфуз-ли тадбир доирасида пойтахтимиздаги “Янги Ўзбекистон” боғига ташириф бу-юриб, истиқолимининг 30 йиллиги муносабати билан барпо этилган муносабатига Мустанқиллик монументи пойига гулчамбарлар қўйди.

Юқори мартабали меҳмонларга маж-муа ҳақида батафсил сўзлаб берилди. ШХТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котиблари “Янги Ўзбеки-стон” боғида амалга оширилган ишлар-ни юқори баҳоладил.

Хорижий делегациялар вакиллари пойтахтимиздаги Галаба боғига ҳам ташириф буюрди. Уларга Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барпо этилган мазкур йирик ишсот та-рихи тўғрисида мухтасар маълумот бе-рилди.

Шундан сўнг “Матонат мадҳияси” мажмуасига гулчамбарлар қўйилди. Меҳмонлар Галаба боғи ва “Шон-шараф” музейи бўйлаб саёҳатдан ул-кан таассурот олганликларини эътироф этди.

Ҳайрат ХОННАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУНОСИБ КУТИБ ОЛДИ

Маросимда спортчиларимиз номидан V Ислом бирдамлик ўйинларининг дюздо бўйича олтин медал ҳоҳиб Музаффар Тўрабоев, енгил атлетика йўналишида чемпион Шарифа Давронова, оғир ат-летика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сўз мураббийи Баҳром Мендибоев сўзга чиқиб, Президенти-миз томонидан спортга берилаётган эътибордан мамнун эканликларини, давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қув-ватлашидан куч олишларини айтиб ўтди.

Ватан шаънини улуғлаган спортчилар ва уларнинг мураббийларини тақдирлаш маросими Миллий Олимпия қўмитасида ўтказилди. Президентимизнинг “Коня шахрида (Туркия) бўлиб ўтган V Ислом бирдамлиги ўйинларида голиб ва соврин-дор бўлган спортчилар ҳамда уларнинг тренерларини бир мартоллик пул муко-фотлари билан рағбатлантириш тўғри-сида”ги қарори асосида уларга пул сер-тификатлари топширилди.

Маросимда сўзга чиққанлар давлати-миз раҳбарининг ушбу қарори спортчи-ларимизни навбатдаги халқаро белла-шувларда янада юксак марралар сари илҳомлантиришга, Ватанимиз довруқини оламга ёйиш, янги истеъдодларнинг пайдо бўлишига хизмат қилишини қайд этилди.

— Галаба — бу масъулият. Албатта, орзу бир жойда тўхтаб қолмайди, би-рининг рўёби ортидан бошқаси кела-веради, — дейди ўзбек ва жаҳон гим-настикаси афсонаси, Ислом бирдам-лиги ўйинлари чемпиони Оксана Чусовитина. — Олдинда бизни катта чемпионатлар, шунга яраша тайёргар-лик, улкан марралар кутиб турибди. Жамоамизнинг ушбу муҳим галабаси Ватанимиз мустақиллигининг 31 йил-лигига муносиб соғва бўлди, деб ўйлайман. Бунинг учун ёшларга ўз иқти-дор ва салоҳиятини юзгага чиқариш учун шароит яратиб бераётган, бугун бизга қутилмаган ва энг қадрли соғвалар тақ-



Сирожидин ВОХИДОВ олган суратлар.

дим этган Президентимизга, барчамиз-ни қўллаб, дуо қилиб турган халқимиз-га миннатдорлик билдираимиз.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 31 йиллик спорт ўйинлари, комплекс спорт мусобақалари тарихида Ўзбекистон ёшлари 50 дан ошди давлат вакиллари қатнашган шундай тизимдаги бирон-бир нуфузли беллашувларда бу қадар кўп медал, бу қадар кўп олқиш олма-ган, кучли давлатлар, жамоалар ораси-да умумжамоа қўринишида 2-ўринга қўтарилмаган эди.

Юртимиз спортчилари 51 олтин, 42 та кумуш, 65 та бронза, жами 158 та медал ҳоҳибига айланишди. Ўзбекистон ёшларининг Ислом бирдам-лиги ўйинларидаги ушбу ёрқин ютуғи энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мамлакатимиз истиқлолининг 31 йил-лик айёмига муносиб тўғва бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Мамлакатимиз спорт делегацияси-ни кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг масла-хатчиси А. Абдувоҳидов иштирок этди.

«Халқ сўзи».

Форум

ШХТ маконида аёллар фаоллиги янги босқичга кўтарилмоқда

Пойтахтимизда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хотин-қизлар форуми бўлиб ўтди.

Мазкур нуфузли анжуманда ташкилотга аъзо 8 та давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Россия, Тожикистон, Хиндистон, Хитой етакчи хотин-қизлари онлайн ҳамда офлайн шаклда қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг босиб ўтган йўли хусусида батафсил тўхталди. Жумладан, у ушбу тузилма ўтган 21 йил давомида изчил ривожланиш йўлини босиб ўтиб, минтақада хавфсизлиқни таъминлаш, барқарор иқтисодий ривожланишга эришилгга қўмаклашиш борасида ўзани яққол намоён этаётгани ва пироварддаги ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузи ва роли тобора ошиб бораётганилигини қайд этди.

Шуларга мос равишда ШХТ доирасида аёллар ҳамкорлиги кенгайди. Бу борада, айниқса, ШХТ Хотин-қизлар форумининг ўрни салмоқли бўлмоқда.

Форум қатнашчилари томонидан таъкидланганидек, аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги фаол иштироки мамлакатлар иқтисодий ривож ва ШХТга аъзо давлатларда жамиятни демократлаштириш ва барқарорлиқни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев етакчилигида ушбу йўналишда дадил қадамлар ташланди. Буни мамлакатимизда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, “Ҳеч бир аёл давлат ва жамият эътиборидан четда қолмайди” деган тамойил жамиятнинг барча жабҳасига татбиқ этилди. Айни чоғда бу йўналишнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш мақсадида 40 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Қолаверса, Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлигида “Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқоти” йўлга қўйилди ва ҳозирги пайтда у самарали фаолият олиб бормоқда. Натижада минтақа хо-тин-қизлари ўртасида ўзаро алоқа кенгайиб, дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланмоқда.

Тадбирда ушбу форум вазифаси Барқарор ривожланиш мақсадларига ҳам мос келиши алоҳида айtilди. Зеро, форумнинг асосий мақсади — гендер тенглиқни таъминлаш, хотин-

қизлар ҳуқуқ ва имкониятини кенгайтириш бўйича ШХТ майдонида ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, бу борада ўзаро тажриба алмашиш, муаммоларни аниқлаш ва биргаликда ҳал этиш чораларини кўриш, алоқаларни эса янги босқичга кўтаришдан иборатдир.

ШХТ Бош котиби Чжан Мин он-лайн нутқ сўзлар экан, жаҳон миқёсида адолат ғоясини илгари сурувчи бу ташкилот фаолиятини ривожлантиришда аёлларнинг ўрни бе-қiyёс эканлигини таъкидлади.

— Ташкилотимиз айни йўналишда, хусусан, ижтимоий-иқтисодий соҳада аёлларга юксак ишонч билди-риб, салмоқли ютуқларга эришяпти, — деди Бош котиб. — Эндиги вази-фа жамиятда аёлларнинг мавқеини янада оширишдан иборат. Зеро, улар нафақат оилада, балки турли соҳа-ларни ривожлантиришда ҳам катта салоҳиятга эга. Жорий йил июль ойида Марказий Осиёнинг баъзи давлатларига ташрифим чоғида аёл-лар сиёсатга ва давлат қурилишига кенг жалб этилганига гувоҳ бўлган-дик. Мухими, уларнинг фаоллиги боис минтақа давлатлари яхши натижаларга эришмоқда. Маълумки, бугун ШХТ-га аъзо давлатларда гендер тенг-лиқни тўла таъминлаш асосий маса-лалардан бири сифатида белгилан-ган. Бу эса мавжуд муаммоларга ечим топиш борасидаги саъй-ҳара-катларни бирлаштириш ва имко-ниятлардан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Форумнинг сессия ййгилишлари-да мавзу билан боғлиқ бир қатор му-ҳим масалалар муҳокама қилинди.

Масалан, “Аёллар тадбиркорлиги-нинг ШХТ мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшаётган ҳиссаси” мавзуи кўпчиликнинг қизи-қишига сабаб бўлган бўлса, “Инно-вация ва рақамли иқтисодиёт — жа-мият барқарор ривожланишини таъ-минлашнинг муҳим омил”, “ШХТ мамлакатларининг барқарор ва инк-люзив ривожланишида хотин-қизлар роли” ҳамда “Пандемия тахдидини енгиб ўтишда гендер омилининг ҳис-саси” мавзулари ҳам илқ кутиб олинди.

Сессиялар якунида томонлар му-ҳокама қилинган масалалар юзаси-

дан доимий ҳамкорлик қилишга ке-лишиб олди.

Форум якунида барча саъй-ҳара-катни янада фаоллаштириш, тинч-лик ва барқарорлиқни таъминлаш, ўзаро алоқаларни кенгайтиришда хотин-қизлар салоҳиятидан самара-ли фойдаланиш, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлиқни ва ШХТ маконида инсонпарварлик ғояларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган қўшма коммюнике қабул қилинди.

Форум доирасида Тадбиркор аёллар биринчи конференцияси ўтказилди.

Кириш сўзи билан иштирок этган Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ушбу конференцияни таш-кил этишдан қўзғанган асосий мақсад ва вазифалар, қўтилаётган натижаларга батафсил тўхталди.

— Иқтисодий фаровонлиқни таъ-минлашда тадбиркорлик субъектла-ри муҳим ўринга эга. Шу боис Ўзе-бикстон Тадбиркор аёллар конфе-ренциясини ўтказиш ва ШХТга аъзо давлатларнинг ишбилармон доира-лари вакилларини бирлаштириш ташаббусини илгари сурди, — деди Сенат Раиси.

Қайд этилганидек, конференция ШХТга аъзо давлатларнинг тадбир-кор аёллари ўртасида савдо-иқтисо-дий ва бизнес алоқаларини фаол-лаштириш, ишбилармонлик фаоли-яти билан шуғулланиш жараёнида аёл-ларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини ке-нгайтириш масалаларини муҳокама қилиш, истиқболли бизнес соҳа-ларини таҳлилдан ўтказиш, шунингдек, тадбиркорлиқни ташкил этиш ва ри-вожлантиришда ўзаро тажриба ал-машиш платформаси вазифасини ўтайди.

Конференцияда Ўзбекистонда хо-тин-қизларнинг давлат бешкаронда фаоллигини ошириш, аёллар тадбир-корлигини ривожлантириш борасида бажарилаётган ишлар ва сўнгги йил-ларда эришилган натижаларга ҳам тўхталди ўтилди.

Ўз навбатида, конференцияда ШХТга аъзо давлатларнинг етакчи хотин-қизлари томонидан ўз мамла-катларида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича олиб бори-лаётган саъй-ҳаракатлар хусусида маълумот берилди.

«Халқ сўзи».

Сенатор ва ҳаёт

Аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга ечим топишмоқда

Олий Мажлиси Сенати аъзолари шу кунларда ҳудудларда тарғибот тадбирлари ўтказётгани ва ислохотларнинг бориши юзасидан ўрганишлар олиб бораётганидан хабарингиз бор. Айни чоғда аҳоли вакиллари билан учрашиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топишга ҳам ҳаракат қилинмоқда.

Хусусан, Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўми-таси раиси Одилжон Иминов Сурхондарё ви-лоятининг Термиз шаҳрида маҳаллий Кенгаш депутатлари, котибият мудирлари, маҳалла фаоллари, ҳокимлик ва ОАВ вакиллари билан учрашди.

Мулоқотда Сенатнинг йигирма тўққизин-чи ялпи мажлисида муҳокама қилинган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва бугун-ги кундаги аҳамияти хусусида атрофчила сўз юритилди. Айни чоғда ушбу масала-лар ижроси маҳаллий Кенгаш депутатла-ридан катта масъулият талаб этиши таъ-кидланди.

Шунингдек, сенатор Термиз давлат универ-ситетида йўлга қўйилаётган IT-парк билан яқиндан танишди.

Мазкур қўмитанинг яна бир аъзоси Манзура Салимова Фарғона вилоятидаги ўрганишла-

рини давом эттириб, бир қатор масъуллар би-лан суҳбатлашди.

Сенатор вилоятда ёшлар ўртасида жиноят-лар ортиши, унинг сабаблари ва ҳуқуқбузар-ликлар профилактикасига бағишланган ййги-лишда шу ҳақда сўз юритаркан, ёшларнинг жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш ва улар-ни бартараф қилиш чораларини кўриш зарур-лигига алоҳида ўрғу берди.

Ўз навбатида, ййгилишда ёшларнинг иш-сиз ёки бирор-бир фойдали машғулот билан банд эмаслиги, эътиборга муҳтожлиги ҳамда ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги кўп ҳол-ларда нотўғри йўлларга кириб кетишига са-баб бўлаётгани айtilди.

Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи мин-тақасини ривожлантириш масалалари ва эко-логия қўмитаси раиси ўринбосари Ботир Матмуратов Қорақалпоғистон Республикаси-

нинг Эллиқалъа, Бөрүний ва Тўртқўл туманлари-да ташкил этилган қатор учрашувларда қатнашди. Кенг жамоатчилик вакиллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, котибият мудирла-ри, фуқаролар, маҳалла фаоллари иштироки-да ўтказилган ушбу мулоқотларда Сенат ялпи мажлисида қўрилган масалалар мазмун-мо-ҳияти атрофчила очиб берилди.

Таъкидланганидек, ялпи мажлисда қўрил-ган масалалар жамият ва мамлакатни ривож-лантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъ-минлаш, иқтисодий барқарорлиқни мустаҳкам-лаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, ёш авлод таълим-тарбиясига жиҳдий эътибор қаратиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга янгича суръат бағишлайди.

Мулоқотларда аҳоли фаровонлигини оши-риш, уларнинг даромадини кўпайтириш ҳамда муносиб турмуш шарт-шароитини яратиш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривож-лантириш, ҳудудларнинг инвестициявий жози-бадорлигини юксалтиришга қаратилган бир қатор лойиҳа ва дастурлар амалга ошири-лаётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

2030 йилгача чиқиндилар ҳажми қанчага камайди?

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамкорлигида “Барқарор ривожланиш мақсадларида ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш: миллий ва хорижий тажриба” мавзусида халқаро конференция ўтказилди.



Анжуман

БМТ Барқарор ривожланиш мақ-садларининг 17 глобал вазифа ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан 169 та масалани қам-раб олган бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча йўналиши қаторида экологик муаммоларни ҳал этишга ҳам қаратилган.

Ёшлар масалалари бўйича ко-миссия аъзолари томонидан ўтган йилда Барқарор ривожланиш соҳа-сидаги миллий мақсад ва вазифа-лар доирасида амалга оширилаёт-ган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликга етказиш мақ-садида Барқарор ривожланиш ҳаф-талиги ташкил этилган.

Анжуманда мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари томонидан 2030 йилгача бўлган даврда Барқ-рор ривожланиш соҳасидаги мил-лий мақсад ва вазифаларнинг 12-мақсади “2030 йилгача чиқинди-

лар ҳосил бўлишининг олдини олиш, қайта ишлаш ва такрорий фойда-ланиш бўйича чораларни қабул қилиш орқали уларнинг ҳажмини икки бараварга қисқартириш” юзасидан амалга оширилаётган иш-лар тўғрисида тақдимотлар қилинди.

Сўз олган халқаро ташкилотлар ва жамоатчилик вакиллари табиат-да рўй бераётган экологик муам-молар оқибатларини бартараф этишда экологик таълим ва мада-ниятнинг ўрни ниҳоятда катталиги-ни билдирди. Тадбирда иштирок-чилар томонидан Барқарор ривож-ланиш мақсадларида аҳолининг эко-логик маданиятини шакллантириш-нинг ҳуқуқий асосларини тақомил-лаштириш юзасидан тақлифлар ил-гари сурилди.

Яқунда билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда тегишли тавсиялар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

НОГИРОНЛИК ПЕНСИЯСINI ОЛУВЧИ ИШЛАЁТГАН ФУҚАРОЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан кенгайтирилган ййгилиш ўтказилди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ишчи гуруҳ аъзолари, олимлар, экспертлар қатнашди.

Муҳокама

Ййгилишда депутатлар то-монидан “Фуқароларнинг дав-лат пенсия таъминоти тўғри-сида”ги Ўзбекистон Республи-касининг Қонунига пенсия тайинлаш тартибини тақомил-лаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар ки-ритиш ҳақида”ги қонун лойи-ҳаси дастлабки тарзда қўриб қилинди.

Мазкур ҳужжатда “Фуқаро-ларнинг давлат пенсия таъми-ноти тўғрисида”ги Қонунга те-гишли ўзгартиш ва қўшимча-лар киритиш йўли билан 2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсия тайинлан-гандан кейинги камдада 1 йил-лик меҳнат даври уларнинг ой-лик даромадидан келиб чиқиб ҳар 2 йилда қайта ҳисоблани-ш ва пенсия миқдориغا қўшиб қорилиши назарда ту-

ййгилишда қонун лойиҳаси-га киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар имконияти чеклан-ган мингбало юртдошларимиз-нинг ижтимоий ҳимоясини ку-чайтириш, оғирини енгил қилиш, оилалар фаровонлиги ошишига хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокамалар давомида қонун лойиҳасидаги айрим нор-малар юзасидан асосли тақ-лифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Депутатлар ишчи гуруҳ аъзоларига бир қатор саволлар билан юзланди ва уларга батафсил жавоблар олинди.

Яқунда қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг навбатдаги Кенгаши ййгилиши ва ялпи мажлисида биринчи ўқишда қўриб чиқиш мумкин-лиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Ҳўш, кейинги йилларда “Инсон қадри учун” принципи асосида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда? Умуман, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирли воситасини барпо этиш, халқаро ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиқни кенгайтириш борасидаги ишлардан халқимиз розими?

Шу ва бошқа саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматовага юзландик.

Бизнинг интервью

— Мамлакатимизда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стра-тегия қабул қилинди. Ушбу ҳуж-жат мазмун-моҳияти ва аҳамия-тини қандай изоҳлайсиз? Умуман, бугунги кундаги Миллий стра-тегия ижроси ҳамда юртимизда ин-сон ҳуқуқлари билан боғлиқ туб ислохотлар ҳақида фикрларин-гизни билмокчи эдик.

— Ўзбекистон Республикасида барча тенг ҳуқуқ ва мажбуриятга эга. Эъти-роф этиш жоизки, мамлакатимизда ин-соннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликла-рини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохот-ларнинг ўзаги ҳисобланади.

Айниқса, инсон ҳуқуқларини таъмин-лаш борасидаги ислохотлар бевосита 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Рес-публикасини ривожлантиришнинг беш-та устувор йўналишини бўйича Ҳаракат-лар стратегияси билан чамбарчас боғ-лиқ.

Мазкур тарихий ҳужжат доирасида қонун устуворлигига эришиш, суд-ҳуқуқ тизимини тақомиллаштириш, жазо тур-ларини либераллаштириш, қийноқлар-нинг олдини олиш, гендер тенглигини, шунингдек, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, сўз эркинлигини мустаҳкам-лаш, қолаверса, инсонпарварлик тамо-йили асосида йўлдан адашганларга яна бир имкон бериш ҳамда уларни жамия-тга мослаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. 2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Рес-публикасининг Миллий стратегияси қабул қилингани ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Қайд этишим лозимки, Миллий стра-тегиянинг 58-банди ижросини таъмин-лаш мақсадида Қийноқларнинг олдини олиш бўйича институционал механизм-лар тақомиллаштирилди. Омбудсман ҳузуридаги эксперт гуруҳи негизида Омбудсман ҳузуридаги Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва улар-нинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ташкил қилинди. Улар зим-



масига қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни тезкор бартараф этиш бўйича талабномаларни те-гишли давлат органига тақдим қилиш, қийноққа солиш ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатларни қўриб чиқишда иштирок этиш каби вазифалар юклатилди.

Ўтган 2021 йил давомида Омбудс-ман ва унинг ҳузуридаги жамоатчилик гуруҳлари томонидан ҳаракатланиш эр-кинлиги чекланган шахслар сақланган-да жойларга 177 маротаба, 2022 йил-нинг биринчи ярим ййлигида эса 156 маротаба мониторинг таширфлари амалга оширилди. Мазкур таширфлар очик ва шаффоф ҳолда ёритиб бориляпти.

Қолаверса, Миллий стратегиянинг 59-банди ижросини таъминлаш мақса-дида Омбудсман институти томонидан озодлиқдан маҳрум қилиш жойларида жазо муддатини ўтаётган шахслар ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тақомиллаштириш, шу жумладан, пенитенциар муассасалар хо-димларини мунтазам ўқитишни ташкил этиш, маҳкумлар ҳуқуқларига бағишлан-ган ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва чоп қилиш бўйича ишлар ҳам амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, “Ўзе-бикстон Республикаси пенитенциар ти-зимининг тақомиллаштирилиши: қонун-

чилик ва амалиёт” номли рисола нашр этилди. Шунингдек, халқаро ташкилот-лар билан ҳамкорликда пенитенциар му-ассасалар ҳодимларининг малакасини оширишга қаратилган қатор семинар-тренинглар ўтказилди.

Миллий стратегияда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида ҳуқуқни қўллаш ама-лиётини янада тақомиллаштириш вазифа-си ҳам белгиланган. 2020 йилнинг 15 октябр куни мамлакат Президенти томонидан янги ташрирдаги “Ногирон-лиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун имзоланди.

Юрбтоҳимизнинг халқаро ташаббуси доирасида, мамлакатимиз парламен-ти томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинди. Бу билан мамлакатимизда но-гиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қонунчиликнинг ҳам мил-лий, ҳам халқаро асослари мустаҳкам-ланди.

Умуман олганда, Миллий стратегия-нинг ижроси юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Айтилганларнинг умуми бир қисми, холос.

— Сир эмаски, мажбурий ва бо-лалар меҳнати кўп йиллар жи-ддий муаммо бўлиб келди. Бугун эса мажбурий ва болалар меҳна-ти тўлиқ тугатилди. Айтинг-чи, мана шу натижаларга эришиш учун ва муаммони бартараф этишда дастлаб нималарга эъти-бор қаратилди ҳамда яна нима-ларга аҳамият берилиши керак, деб ҳисоблайсиз?

— Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ҳамда мав-жуд ҳолатга тизимий ёндашув асосида қўрилган комплекс чоралар самараси ўлароқ, мамлакатимизда болалар меҳ-натига ва мажбурий меҳнатга батамом чек қўйилди. Бу жараёнини халқаро экс-пертлар катта қизиқиш билан кузатиб туришди. Чунки уларнинг фикрича, Халқ-аро меҳнат ташкилотига аъзо давлат-лардан фақатгина Ўзбекистон қисқа му-датда мана шундай яхши натижага эришди ва бунда тўғри ҳамда самарали йўл танланди.

Бу натижага эришишда катта эъти-бор, авваломбор, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга имплементация қилиш, уни тақомиллаштириш, ривож-ланган давлатларнинг илгор тажриба-сини ўрганишга қаратилди. Илзаниш ва тадқиқотлар натижасида ўтган 2019 — 2021 йиллар давомида миллий қонунчи-ликни тақомиллаштириш мақсадида 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, Халқаро меҳнат ташкилотининг қатор конвенциялари ратификациядан ўтказилди. Қолаверса, қишлоқ ҳўжали-

гини модернизациялаш борасида ҳам самарали таътижаларга эришилди, бо-лалар меҳнати ва мажбурий меҳнат учун жиноий жавобгарлик чоралари кучайти-рилди, белгиланган мақсадга эришиш-да барча давлат идоралари ва ташки-лотлари жалб этилди ҳамда уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиб борилди.

Бундан ташқари, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бо-расида халқаро ташкилотлар ва хори-жий давлатлар билан самарали ҳамкор-лик қилинди.

Бу жараёнда жамоатчилик назорати-нинг, нодавлат нотижорат ташкилотла-ри, фуқаролик жамияти институтилари ва ОАВнинг ҳам алоҳида ҳиссаси борлиги-ни қайд этишимиз лозим.

— Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) халқ билан мулоқот-га кириша оляптими, умуман, фуқаролар мурожаатлари билан қай тартибда ишланмоқда?

— Омбудсман институтининг асосий фаолият йўналишларидан бири фуқаро-лар мурожаатлари билан ишлашдир. Ҳар

2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилингани ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

қандай мамлакатдаги Омбудсман фао-лияти самарадорлигини бевосита унга юборилаётган мурожаатлар статистика-си ва уларнинг ҳал этилишини таҳлил қилиш орқали ўрганиш мумкин. Чунки Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга халқнинг ишончи бўлсагина мурожаат-лар юборилади. Шу нуктаи назардан, “Омбудсман халқ билан мулоқотга ки-риша оляптими” деган саволингизга Омбудсманга юборилаётган мурожаат-лар сонининг ортиб бораётганини нуктаи назаридан “Ҳа” деб жавоб бериш мум-кин.

Қолаверса, Омбудсман фаолияти бўйича жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида ҳал этилган мурожаатлар ҳақидаги хабарлар, расмий муносабат-лар, Омбудсман томонидан кўтариб чи-қилаётган муаммолар масалалар, мони-торинг таширфлари, сайёр қабуллар, фуқаролар қабули ва бошқа йўналиш-лардаги саъй-ҳаракатларимизга оид ха-барлар сайтимизда ва ОАВда эълон қилиб борилиши ҳам аҳолига Омбудс-ман фаолиятдан кенг хабардор бўлиш имконини бермоқда.

дан бошқа ҳеч ким оча олмайди. Шунингдек, Омбудсман фуқаролар-нинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юза-сидан вазирлик ва идораларга ҳулоса ҳамда тақдимнома, судларга фуқаролар манфаатларини қўзлаб ариза ва даъ-волар киритиш ҳуқуқидан ҳам самарали фойдаланиб келмоқда. Мурожаатчилар-дан суд жараёнларида Омбудсман ва-килининг иштирок этишини сўраб ёзил-ган аризалар ҳам кўп келади. Ўтган йил-дан бошлаб, мурожаатларни Омбудс-ман офисига мурожаатчи ва тегишли давлат ташкилоти ҳодимини чақириб, қўриб чиқиш амалиётини ҳам жорий қил-ганмиз. Ва ҳозирги кунда ҳам мурожа-атлар билан ишлашда замонавий ахбо-рот-коммуникация технологиялари им-кониятларидан кенг фойдаланган ҳолда аҳоли учун қулайликлар яратиш устида ишлаяпмиз.

Шунингдек, мурожа

Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Соғинч

Дунёнинг айрим минтақаларида турли талатўплар кучайган бир пайтда Ўзбекистонда тинчлик барқарор, барча соҳада юксалиш жараёнлари намоён бўлмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотлар мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Халқимиз кўзлаган эзгу мақсадларга эришиш — янги Ўзбекистонни барпо этиш, бу йўлда мавжуд муаммоларни самарали ҳал қилиш ўз соҳасининг устаси бўлган етук мутахассисларни камолга етказиш билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса янги авлод кадрларини тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида малакали, фидойи ва ватанпарвар педагогларга талабни оширади.

Таълим тизимининг ана шундай заҳматкаш, катта етакчилик қobiliятига эга бўлган, фидойи ва жонқуяр вакилларида бири “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг собиқ ректори Ўктам Пардаевич Умурзоқов эди.

УНВОНИ — ОЛИЖАНОБ, ҲАЛОЛ ВА КАМТАР ИНСОН



УНИВЕРСИТЕТ ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ, ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ГРАНТЛАР ХИСОБИДАН ЙИЛИГА ЖАЛБ ЭТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАР БЎЙИЧА МАМЛАКАТИМИЗДА 1-ЎРИНГА КЎТАРИЛДИ.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИДА 1-ЎРИНГА ЧИҚДИ.

ДУНЁ УНИВЕРСИТЕТЛАРИНИНГ МИНТАҚАВИЙ РЕЙТИНГИ (QS) БЎЙИЧА “РИВОЖЛАНАЁТГАН ЕВРОПА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ — 2021” КЎРСАТКИЧИДА 211-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА 2025 ЙИЛГА БОРИБ, ИЛМИЙ ДАРАЖАЛИ ЎҚИТУВЧИЛАР УЛУШИНИ 90 ФОИЗГА ЕТКАЗИШ, ОСИЁ, ЕВРОПА, ШИМОЛИЙ ВА ЖАНУБИЙ АМЕРИКА, АФРИКА МИНТАҚАЛАРИ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИДА САЛОҲИЯТНИ ОШИРИШ ҲАМДА АЛМАШУВ ДАСТУРЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА БОШҚА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР УСТОЗНИНГ ОРЗУ-МАҚСАДЛАРИДАН ЭДИ.



Ўктам Умурзоқов устози ва шогирди билан (ўнгда устози, академик Оқил Салимов ва чапда мақола муаллифи).

Ўктам Пардаевич чехраси мунаввар, қалби гавҳар, меҳри дарё, софдил ва одил, самимий ва садоқатли дўст, доно раҳбар, шогирдларига меҳрибон устоз ва устозларига содиқ шогирд, олижаноб инсон эди.

Бу кишининг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, беихтиёр кўз ўнгинида матонатли, ўзининг бутун умрини, бор куч-ғайратини, салоҳиятини илмий қувватини фан ва таълим равнақига, ёшлар тарбиясига сафарбар қилган салоҳиятли олим, соҳа фидойиси ва жонқуяри, инсонийлик тамойилларига ҳамisha содиқ яшаган комил ва фозил шахс қиёфаси гавдаланади.

Шуқри, менга устоз билан кўп йиллар қўлни қўлга бериб, елкама-елка туриб ишлаш насиб этди. Бу инсон менга оддий ассистентликдан то раҳбарликкача бўлган даврда ҳамқадм бўлди. Бошқаруving барча сир-асрорлари — ишни ташкил этиш, режалаштириш, ходимлар билан самарали ишлай олиш, одилона қарор қабул қилиш, коммуникация (ўзга ташкилотларнинг ходимлари ва вакиллари билан тил топиб ишлаш), ходимларни ўз вақтида рағбатлантириш, етакчилик ва назорат сирларини ўргатиш. Мен у зотнинг ҳар бир сўзидан, ҳар бир ҳаракатидан ўзим учун сабоқ олишга уриндим. Соатлаб суҳбат қурсак-да, асло зерикмас эдим.

Бу инсон билан ҳар галги суҳбатдан кейин қалбим бойроқ, тафаккурим теранроқ бўлган, фойдалли бир гоя билан чиқганимни, ўзимга бўлган ишончининг ортганини ҳис этардим. Қўлатишларимдан келиб чиқиб тақдирлайманки, Ўктам Пардаевичнинг тагин бир хислати барчамиз учун ўрнатқидир. Устоз ўзгалар учун қаттиқ қайғурарди, бировларнинг омади, ютуғи, қувончи учун жидду ҳажд билан курашарди. Бемалол айтиш мумкин-ки, университетда домла Умурзоқовнинг ёрдамидан баҳраманд бўлмаган ходимнинг ўзи йўқ. Кимгадир илмий ўнвон ёки даража, кимгадир вазифа ёки уй-жой, кимнинг фарзандига шартнома тўлови ва бошқа чеки

йўқ кўмакларини аямасди. Эвазига улардан бир нарсани, фақат университет учун садоқат билан меҳнат қилиш ва фидойи бўлишни кутар эди.

Ўктам Пардаевич талабаларга меҳридарё отадек эди. Ижтимоий қийналган талабаларни ўзи излаб топиб, моддий кўмак беришдан ҳузур ва завқ олارد. Гап шундаки, университетимизда ҳар йили ўртача 20 — 25 нафар чин етим талабалар ўқийди. Уларнинг шартнома тўловини ҳар йили ўзи ва ўртоқлари, тадбиркор дўстлари ва ташкилотлардан ҳомий топиб, тўлатиб беради. Бу — республика олий таълим муассасалари орасида камдан-кам учрайдиган ҳолат. Лекин ушбу воқеликни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритишга йўл қўймасди.

Домланинг яна бир хислатларидан бири, университетимизга, олий таълимга муҳаббат, садоқати, шижоат ва ғайрати гоёт қучли эди. Проректорлик даврида ҳам, ректорлик чоғларида ҳам, ҳатто умрининг охири дақиқаларигача астойдил ишлади. Университетда маданиятни бошқарув тизимини яратди ва ҳаммани бирдек меҳнат қилишга чорлади. Иш жараёнида ҳар бир масалага жиддий қарарди. Бугунги ютуқни орда қолдириб, тезда кейингисига эришишни истар, янги-янги уфқлар сари интилар, ечимлар ва имкониятларнинг ноанъанавий йўллари қидиравди ҳамда ушбу эзгу йўлга ҳаммамизни сафарбар қиларди. Фикрлари ва ҳаракатлари бағоят дадил, ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун барча маҳорати ва ғайратини тўла ишга солуви тиним билмас раҳбар эди.

Айниқса, кейинги йилларда Республика олий таълим кенгаши раиси сифатида олий таълим тизимида тўб ислохотларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этиб, илм-фан ва ўқув мезонлари раванқини таъминлашга, соҳанинг халқаро жозибадорлигини юксалтиришга катта ҳисса қўйди.

Олий ўқув юртларининг халқаро рейтингларда иштирок этишига кўмаклашиш орқали таълим ва тадқиқот мазмунини яхшилаш бўйича илғор хорижий университетлар тажрибаларини трансформация қилишда ҳам фидойилик кўрсатди.

Олий ўқув юртлари фаолиятини илмий тадқиқотларга уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада олий таълим муассасаларини тизимли тараққий эттириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, унинг жозибадорлигини ошириш, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича кўплаб концептуал ишланмаларни яратди. Қисқача айтганда, устоз Ўктам Пардаевич университетимизни янги ривожланиш босқичига олиб чиқди ва унинг

интенсив тараққийи пойдеворини қўйди. Ушбу пойдеворнинг мустақамлигини иккита таянч устуни билан изохлаш мумкин.

Биринчиси, бу жамоадаги соғлом муҳит, таълим ва фанда эришилган натижалар бўлса, иккинчиси, юқори аниқликдаги моддий-техник базанинг барқарор таъминланганлигидир.

Ректорлик даврида университетимизни тубдан қайта қурди, катта ташкилотчилик салоҳияти, билим ва бой тажрибаси, узоқ келажакни кўра олиш қobiliятини тўғайли уни йирик ҳамда нуфузи баланд олийгоҳга айлантирди. Шу билан бирга, таълим даргоҳининг халқаро майдонда ҳам мавқеи ошди. Ўқув тарбиявий жараёни замон талаблари даражасига кўтарди. Миллий иқтисодийтимиз, хусусан, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун юксак малакали кадрлар ва зукко мутахассислар тайёрлаш, илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишдек эзгу мақсадларга куч-қувватини сарфлади.

Халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан янгидан **учта** соҳага доир илмий тадқиқотлар кластери (Инновациялар ва илмий тадқиқотлар кластери, Табиий ресурсларни барқарор бошқариш рақамли технологиялар кластери, Геоинформатика кўшма инновация тадқиқотлар маркази) ташкил этилди.

Ўктам Пардаевич раҳбарлик қилган даврда университет ўқув, илмий, маънавий, молиявий ва халқаро фаолияти бўйича барқарор ривожланиш йўлига чиқди. 2017 — 2021 йилларда 16 та кафедранинг базасида илмий-инновация лабораториялар ташкил этилиб, уларнинг моддий-техника базаси замонавий жиҳозлар билан бойитилди. Университет олимларининг халқаро индексига қилинган журналларда мақолаларни чоп этиш даражаси уч барабар ўсди ва улارга хорижий олимларнинг иштироки кўрсаткичи — h5-index 5 дан юқори бўлган олимлар сони 6 барабар кўпайди. Университет кадрларининг илмий салоҳияти 42 фоздан 56 фозга оширилди ва соҳалар бўйича илмий мактаблар яратилди.

Табиий ресурсларни барқарор бошқариш рақамли технологиялар кластерида масофадан зондлашнинг замонавий усуллари ва ГИС технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги, ердан фойдаланиш, геодезия ва картография, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгариши баҳолаш бўйича муваффақ бўлди жараёнларни кузатиш, назорат қилиш юзасидан тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Нидерландиянинг Вагенинген университети ва олийгоҳ олимлари биргаликда ўсимликлар индекслари асосида шўрланиш ва туپроқ деградациясини баҳолашнинг янги услубини ишлаб чиқди.

Дунёда илм маротаба Сирдарё вилоятида туپроқ шўрланишини ўсимликлар космик термографияси усули билан баҳолаш жорий этилди. Ҳозирги кунда австралиялик олимларнинг қизиқишлари асосида Австралида пахта ва дуккаки дон маҳсулотларини етиштиришда ушбу усулдан фойдаланган ҳолда тадқиқотлар олиб боришмоқда. Мазкур кластерда 4,2 млрд. сўмлик қийматдаги лойиҳалар амалга оширилди.

Инновациялар ва илмий тадқиқотлар кластерида 6ш мутахассисларни ҳамда талабаларни илмий ва лойиҳалаштириш фаолияти билан шуғулланишга жалб қилиш, уларда мантиқий ва танқидий ёндашиш тафаккурини ривожлантириш, жаҳон таълим манбаларидан, илғор илмий адабиётлар электрон каталоглари ва маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, илм ва амалиёт ўртасида барқарор алоқани ўрнатиш ҳамда қўлла-қувватлаш, шунингдек, индустрия 4.0, интернет тармоғи, сунъий онг ва шу каби бошқа трендларни ҳисобга олган ҳолда илмий натижаларни экология, сув ва қишлоқ хўжалиги секторларида қўллаш бўйича реал лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)нинг қиймати қарийб 1,0 млрд. сўм “ГАТ технологиялари ва фазовий маълумотлар асосида рақамли қишлоқ хўжалигини самарали юритиш” лойиҳаси ҳамда Буюк Британиянинг Дурман, Оксфорд ва Кент университет-

лари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида қиймати 40 минг фунт стерлинг бўлган Марказий Евроосиёда маҳаллий ҳамжамиятларда мослашувчан бошқарув ҳамда барқарорлиқни ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Геоинформатика кўшма инновация тадқиқотлар марказида қишлоқ ва сув хўжалиги объектлари ҳолатини таҳлил ҳамда мониторинг қилиш, уларни бошқаришда геоинформатикани қўллаш орқали қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳит муаммоларини бартараф этиш учун қарорлар чиқаришга ёрдам берувчи амалий дастурлар ва инновацион усуллarga асосланган тадқиқотлар олиб боришмоқда. Мазкур марказда хорижий ҳамкор ташкилотларнинг олимлари иштирокида Эрасмус+ дастури доирасида қарийб қиймати 270 минг евро бўлган олий таълимда салоҳиятни ошириш бўйича лойиҳалар бажаришмоқда.

Шунингдек, ушбу кластерларда иқтидорли талабалар учун ҳам кенг шaroитлар яратилган бўлиб, уларнинг янги илмий ва стартап лойиҳалари ривожлантириляпти. 2021-2022 йилларда Инновацион ривожланиш вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққийёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган кўплаб танловларда талабалар 538 млн. сўм ва 5 минг АҚШ

Дунё университетларининг минтақавий рейтинг (QS) бўйича “Ривожланаётган Европа ва Марказий Осиё — 2021” кўрсаткичида **211-ўринга** лойик қўрилди.

2021 йилда “Times Higher Education” (THE) предметлар рейтингига **801-ўринда** қайд этилди. Жаҳонда яна бир нуфузли “Greenmetrics” (“World Green University Rankings”) рейтингига эса **621-ўринни** эгаллади.

Ҳар йили ўртача 20 дан ортқ илмий, олий таълим ва салоҳиятни ривожлантириш йўналишидаги халқаро ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилиб, илмий келтирилган хорижий инвестициялар миқдори 1,5 млн. АҚШ долларидан юқори бўлишига эришилди.

Британия Кенгаши кўмағида “English as a Medium Instruction” — инглиз тили махсус мақсадларда Касбий ривожлантириш маркази ташкил этилди. Ҳар йили дунёнинг етакчи университетларида **150** дан ортқ профессор-ўқитувчилар халқаро дастурларда иштирок этаётган бўлса, **50** дан ортқ хорижий профессорлар таъриф буюрмоқда.

Илмий педагог кадрларни тайёрлаш бўйича 9 та ихтисосликдан иборат, илмий даражалар берувчи **3** та илмий кенгаш ташкил этилди.

Иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш натижасида 2020-2021 йилларда **12** та стартап лойиҳа яратилди. Университетда АҚШнинг “John Deer”, “Case”, “New Holland”, “UzCaseService”, Германиянинг “Claas”, “Lemkin”, “GLZ”, Россиянинг “Ростсельмаш”, Хитойнинг “Huawei”, “PETRO TEST AVTO” компаниялари ҳамда “Узгагроинспекция”, “Узсувтаъминот” АЖ, “Узсувмаш” АЖ, “Узгидроэнерго” АЖ, “Турон” АТБ, Халқ банки, “Агробанк” каби бошқа ҳамкор ташкилотларнинг **16** та махсус аудитория ва лабораторияси ташкил қилинди.

600 ўринли битта янги ўқув биноси барпо этилди ва 8 та ўқув ва лаборатория биноси, **3** та талабалар турархонай қайта реконструкция қилинди, спорт ва соғломлаштириш комплекси ташкил этилди.

Иигит-қизлар маънавиятини бойитиш, улар қалбига адабиёт ва китобхонликка меҳр уйғотиш мақсадида ўқув даргоҳида Ўзбекистон Қасрамони, халқ шоири Абдулла Орипов номидagi ёшлар боғи, шунингдек, ижодкор музей очилди. Атоқли шoir ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм яратилди.

Домла университетимиз жамоаси олдига кўпгад стратегик вазифаларни белгилаб берган эди. “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети “Huawei Technologies” компанияси билан ҳамкорликда рақамли университетга трансформация қилиш, Ахборот-ресурс марказини “Smart Library”га айлантириш, хорижий университетлар манбаларига интеграциялаш ва фойдаланувчилар учун кенг имконият яратиш мақсад қилинган.

Сунъий интеллект технологиялари ва рақамли маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, халқаро меҳнат бозорига кадрларга эҳтиёж юқори бўлган соҳалар учун халқаро ISO стандартлари асосида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар салоҳиятини юксалтириш бўйича инфраструктура ривожлантириш, олимлар ҳамкорлигида илмий-инновацион ишланмаларнинг трансферини самарали уддалаш ва маркетинг тизимини тараққий эттириш кўзда тутилган.

Олийгоҳда 2025 йилга бориб, илмий даражали ўқитувчилар улушини 90 фозга етказиш, Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка минтақалари университетлари билан ҳамкорлик доирасида салоҳиятини ошириш ҳамда алмашув дастурларини кенгайтириш ва бошқа истиқболдаги вазифалар устознинг орзу-мақсадларидан эди.

Баҳодир МИРЗАЕВ,

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти» миллий тадқиқот университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.



Профессор Азиз Магдалиевич Усмонов рақамли технологиялар бўйича машғулот ўтказмоқда.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 24 260 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — **З. Худойшукров.**
Мусахҳиҳ — **Ш. Машраббев.**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.50 Топширилди — 04.10 1 2 3 4 5 6